

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРКАНД ДАВЛАТ ТИББИЕТ ИНСТИТУТИ

ИГАМОВА САОДАТ СУРЪАТОВНА

**МАРКАЗИЙ АСАБ СИСТЕМАСИНИНГ ПЕРИНАТАЛ
ЗАРАРЛАНИШИ БЎЛГАН БОЛАЛАРДА ДАВОЛАШ-ДИАГНОСТИК
ВА РЕАБИЛИТАЦИОН ТАКТИКАНИ КОМПЛЕКС БАҲОЛАШ**

14.00.13-Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА (PhD)ДОКТОРИ
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТАШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Игамова Саодат Суръатовна

Марказий асаб системасининг перинатал зарарланиши бўлган
болаларда даволаш-диагностик ва реабилитационтактикани комплекс
баҳолаш 3

Игамова Саодат Суръатовна

Комплексная оценка лечебно-диагностической и реабилитационной
тактики детей с перинатальнымпоражением центральной нервной
системы 25

Igamova Saodat Sur'atovna

Comprehensive assessment of the treatment, diagnostic and rehabilitation
tactics of children with perinatal diseases of the central nervous system 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 53

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРКАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ИГАМОВА САОДАТ СУРЪАТОВНА

**МАРКАЗИЙ АСАБ СИСТЕМАСИНИНГ ПЕРИНАТАЛ
ЗАРАРЛАНИШИ БЎЛГАН БОЛАЛАРДА ДАВОЛАШ-ДИАГНОСТИК
ВА РЕАБИЛИТАЦИОН ТАКТИКАНИ КОМПЛЕКС БАҲОЛАШ**

14.00.13-Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА (PhD)ДОКТОРИ
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТАШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2018.2.PhD/Tib643 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (Ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг www.tipme.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyo.net манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Джурабекова Азиза Тахировна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шамансуров Шаанвар Шамуратович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Омонова Умида Тулкиновна
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Ставропол давлат тиббиёт университети
(Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100007, Тошкент, Паркент кўчаси 51- уй. Тел./факс: (+99871) 268-17-44, e-mail: info@tipme.uz).

Диссертация билан Тошкент врачлар малакасини ошириш институти Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100007, Тошкент, Паркент кўчаси 51- уй. Тел./факс: +99871268-17-44, e-mail: info@tipme.uz).

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ кунини тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).



[Handwritten signatures in blue ink]

Х.А.Акилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н.Убайдуллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Б.Г. Гафуров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра «...жаҳонда популяциядаги перинатал патологиялар сони 15%-20%ни, янги туғилган чақалоқлар касалланиш тузилмасида ва болалар ҳаётининг биринчи йилида 60-80%ни ташкил этади ва оғишмай ўсишда давом этмоқда...»¹. Болалардаги марказий асаб тизимини (МАТ) перинатал шикастланишида (ПШ) асаб-руҳий касалликларни ривожланиши ортади, ҳамда олий пўстлоқ функцияларини баркамол ривожланишига нохуш таъсир кўрсатади, бу эса бола организмни мослашмаслик ҳолатига ва юрак қон-томир, юқори нафас йўллари касалликлари ҳамда меъда-ичак тизим (МИТ) ва бошқа тизимлар вазифаларини турли даражада бузилишига сабаб бўлади. Болалардаги марказий асаб тизимининг перинатал шикастланиши асоратларини олидини олиш ижтимоий аҳамиятга эга муаммо ҳисобланади.

Жаҳонда марказий асаб системасининг перинатал зарарланиши бўлган болаларда даволаш-диагностик ва реабилитацион тактикани комплекс баҳолашни такомиллаштиришнинг юқори самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борадаги тадқиқотлар гипоксик генезли марказий асаб тизимини перинатал шикастланиши билан туғилган чақалоқларда ҳавф омилларини, клиник-неврологик ривожланишнинг ўзига хосликларини ҳамда ташхисий текширишларнинг оптимал ҳажмини белгилаш; гипоксик генезли марказий асаб тизимини перинатал шикастланишли болаларда ретикулоцитлар морфометрияси (RTC) ва қон зардобидида гипоксия-индуцирланган омил (НФ-1α) миқдорини баҳолаш, уларни болалардаги жисмоний ва руҳий-неврологик реабилитация ва реабилитация самарадорлигини асослашдан иборат. Марказий асаб тизимини перинатал шикастланишли беморларни реабилитациясиз ва узлуксиз реабилитация билан даволаш натижаларини қиёслаш ҳамда марказий асаб тизимини перинатал шикастланишли болаларда ташхислаш алгоритми, даволаш усулини танлаш ва узлуксиз реабилитация тактикасини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, аҳолининг турли қатламлари болалар орасида соматик ва юқумли касалликларни олдини олиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизматини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш...»² каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар болалар орасида турли омиллар

¹World Health Organization – Cancer Country Profiles, 2018

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

таъсирида касаликларни камайтириш, марказий асаб системасининг перинатал зарарланиши бўлган болаларда касалликларни камайтириш, болалар орасида профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали марказий асаб тизимининг зарарланиши натижасидаги ногиронлик ва ўлим кўрсаткичини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2014 йил 1 августдаги ПҚ-2221-сон «Ўзбекистонда оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича 2014-2018 йилларга мўлжалланган Давлат дастури» Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё ҳамжамиятида сўнгги ўн йилликларда МАТ ПШнинг турли аспектига бағишланган кўп сонли тадқиқотлар ўтказилган ҳамда ташхислаш ва даволашнинг янги усуллари кенг қўлами таклиф этилди (Шамансуров Ш.Ш., Сохиева Н.Е., 2010; Brigitte Vollmer., 2017). Жумладан ташхислаш, оғирлик даражасини ўрнатиш ҳолати бўйича маълумотлилик, шунингдек реабилитацион даволаш тактикасини танлаб олишга нисбатан кўплаб саволлар бўйича қарама қарши фикрлар мавжуддир (Медведев М.И., 2011; Kasdorf E, Perlman JM., 2012).

МАТ ПШни даволаш ва ташхислашнинг такомиллаштирилган усуллари қўллаш кетма-кетлиги ишлаб чиқилган (Кореновский Ю.В., Ельчанинова С.А., 2012; Titomanlio L. 2015). Ёшидан қатъий назар, ҳаракат бузилишининг синдромлари пайдо бўлиши частотаси, қоринчаларнинг постгипоксик кенгайиши, вегетатив-висцерал дисфункциялар, нейро-рефлекс қўзғалувчанлиги ва психомотор ривожланишнинг кечикиши марказий асаб тизимининг шикастланиши ошиши билан авж олиши аниқланган (Красноруцкая О.Н., Леднева В.С., 2018).

Хозирги даврда МАТ ПШдаги даволаш-ташхислаш тактикаси замонавий болалар неврологиясида энг долзарб ва охиригача хал этилмаган муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади (Халимбетов Г.С., 2018, Джаксыбаева А., 2018). Катта ва кичик неврологик бузилишлар, психомотор ривожланишнинг орқада қолишига олиб келиб, боланинг ҳаёт сифати ёмонлашади, шунингдек, жамият учун сезиларли тиббий ва ижтимоий зарар етказиши кўрсатилган (Шамансуров Ш.Ш., 2010).

Қониқарсиз яқунларнинг сезиларли фоизи, касаллик босқичи ва

шикастланиш турини ҳисобга олган ҳолда даволашни оптимал усулини танлаб олишни мавжуд эмаслиги, бу соҳада келгусида изланишлар олиб боришга сабаб бўлади. Юқорида келтирилганлар болалар неврологик амалиётига МАТ ПШ ни ташхислаш ва реабилитацион даволашга оптимал ёндошувларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш заруриятини тақазо қилади.

Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Болалар асаб тизими шикастланишларини клиник ўзига хосликлари ва уларни коррекция қилиш йўллари» мавзуси доирасида (2014-2018) бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: гипоксик генезли марказий асаб тизимини перинатал шикастланган эрта ёшли болаларда клиник-неврологик оқибатларини баҳолаш, ташхислаш ва реабилитация тизимини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

гипоксик генезли марказий асаб тизимини перинатал шикастланиши билан туғилган чақалоқларда ҳавф омилларини, клиник-неврологик ривожланишнинг ўзига хосликларини ва ташхисий текширишларнинг оптимал ҳажмини белгилаш;

гипоксик генезли марказий асаб тизимини перинатал шикастланишли болаларда ретикулоцитлар морфометрияси (RTC) ва қон зардобида гипоксия-индуцирланган омил (HIF-1 α) миқдорини ўрганиш ва натижаларни клиник шакллар билан қиёслаш;

болаларни ижтимоий мослаштириш марказининг Самарқанд ҳудудий филиали (БИМРМСФ) шароитида болалардаги жисмоний ва рухий – неврологик реабилитация ва реабилитация самарадорлигини аниқлаш;

марказий асаб тизимини перинатал шикастланишли беморларни реабилитациясиз ва узлукли реабилитация билан даволаш натижаларини қиёслаш;

марказий асаб тизимини перинатал шикастланишли болаларда ташхислаш алгоритми, даволаш усулини танлаш ва узлуксиз реабилитация тактикасини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида гипоксик генезли марказий асаб тизимини перинатал шикастланишибўлган 266 нафар янги туғилган чақалоқлар, назорат гуруҳи (НГ) бўлиб, патологиясиз туғилган 30 нафар янги туғилган чақалоқлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида веноз қони, бурун ва бўғиздан суртма, шунингдек неврологик статуснинг комплекс текшируви, функционал текширувлар ташкил қилди.

Тадқиқотнинг усуллари. диссертация ишида клиник-неврологик текширишлар, лаборатория тадқиқотлари, гематологик, иммунологик, психомотор ривожланишни баҳолаш тестларива статистик тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор мойиллик ва кўзгатувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда чақалоқларда марказий асаб тизими перинатал зарарланишининг ривожланиш хавфи предикторлари аниқланган;

илк бор марказий асаб тизимининг перинатал зарарланиши бўлган болалар қон зардобадаги транскрипцион бошқарув оқсили HIF-1 α гипоксия даражасини эрта баҳолаш биомаркери бўлиши аниқланган;

чақалоқлардаги марказий асаб тизимини перинатал шикастланишида гипоксия ҳолатини эрта баҳолашда RTC морфометрия қўллаш илк бор таклиф этилган;

марказий асаб тизимининг перинатал зарарланиши бўлган болаларда DDST шкаласи бўйича болаларнинг ривожланиши ва тузилмавий бузилишлар орасида узвий боғлиқлик аниқланган;

чақалоқларда ижтимоий мослашиш бўйича усуллар киритилган ҳолда, марказий асаб тизимининг перинатал зарарланишини эрта ташхислаш, даволаш ва узлуксиз реабилитация кетма-кетлиги таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

марказий асаб тизимини перинатал шикастланишли болаларни эрта аниқлаш ва ижтимоий мослашиш бўйича мутахассислар- реабилитолог, эрготерапевт, психологларни эрта аралашини, чуқур ногиронликни камайтириш билан психологик ва неврологик етишмовчилик, жисмоний тикланиш учун болаларни ўз вақтида даволаш ва реабилитациясига таъсир этиши ва болаларни ҳаёт шароитига мослашини учун амалий жиҳатдан ёндошув бўлиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада беморлар танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, гематологик, иммунологик, психомотор ривожланишни баҳолаш тестларива статистик ёрдамида марказий асаб системасининг перинатал зарарланиши бўлган болаларда даволаш-диагностик ва реабилитацион тактикани комплекс баҳолашнинг хусусиятли қонуниятлари асосида турли усулларни қўлланилгани, ҳулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти марказий асаб тизимини перинатал шикастланишнинг ташхислаш, даволаш ва реабилитацион тактикасининг ўзига хосликларини аниқлаш, гипоксияга организмни мослашини молекуляр механизмлари тўғрисидаги билимларни кенгайтирди, кислородли сенсорланинг табиати аниқлаштирилди, улар хужайрадаги асосий транскрипцион бошқарув оқсили HIF-1 α да кислород концентрациясини ўзгарини тўғрисидаги маълумотларни узатиш, марказий асаб тизимини перинатал шикастланишда ташхислаш ва реабилитацион ёндошувлар таклиф этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти юритиш тактикаси бўйича алгоритмни ишлаб чиқиш ва тикловчи тиббиёт билан биргаликда

БИМРМСФнинг амалий ишига жорий этишдан иборат бўлиб, улар касаллик якунини яхшилашга имкон бериши, қон зардобда ретикулоцитлар морфометрияси ва HIF-1 α ларни текширишни киритиш йўли билан марказий асаб тизимини перинатал шикастланишни ташхислаш такомиллаштириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Марказий асаб тизимининг перинатал зарарланиши бўлган болаларда даволаш-диагностик ва реабилитацион тактикани комплекс баҳолашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Фебрил тутқаноғи бўлган болаларни юритиш тактикасини танлаб олиш ва тактикаси учун дастур» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 13 ноябридаги 8н-д/332-сон маълумотномаси). Мазкур дастурни жорий этилиши марказий асаб тизимининг перинатал зарарланиши бўлган болаларни даволаш-ташхислаш жараёнларини ҳисобга олиш ва мониторинг қилишни ўтказиш ва самарали даволаш тизимини ишлаб чиқиш имконини берган;

«Асаб тизимида перинатал шикастланиши бўлган чақалоқларни юритиш алгоритми» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 13 ноябридаги 8н-д/332-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома гипоксия-ишемик генезли марказий асаб тизимининг перинатал зарарланиши юритиш бўйича биринчи бўғин врачлари учун керакли ташхисот ва даволаш имконини берган;

марказий асаб тизимининг перинатал зарарланиши бўлган болаларда даволаш-диагностик ва реабилитацион тактикани қўллаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Самарқанд давлат тиббиёт институти биринчи ва иккинчи клиникаси, Самарқанд вилояти болалар қўп тармоқли тиббиёт марказлари амалиётларига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 11 июндаги 8н-з/50-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши чақалоқларда марказий асаб тизимининг перинатал зарарланиши бўлган болаларда даволаш-диагностик ва реабилитацион тактикасини оптималлаштириш, асоратлар ривожланиш хавфини ва болалардаги ногиронлик даражасини пасайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 10 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 5 та халқаро ва 5 та республика анжуманларида муҳокомадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, олти та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асослаб берилган, тадқиқотларнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Марказий асаб тизими перинатал шикастланиш масалаларининг замонавий ҳолати, эрта ёшдаги болаларнинг реабилитацияси ва даволаш тактикаси (адабиётлар таҳлили)**» деб номланган биринчи бобида мазкур патологияга шунингдек, чақалоқлардаги асаб тизими перинатал шикастланишини эпидемиологик, патогенетик аспектларига бағишланган назарий қарашлар таҳлил қилинган ва тадқиқотлар тизимлаштирилган. Чақалоқлардаги марказий асаб тизими перинатал шикастланишида гипоксия даражасини аниқлашга янги ёндошувлар ўрганилган. Марказий асаб тизими перинатал шикастланиши бўлган янги туғилган чақалоқ болаларни абилитация ва реабилитация усулларига замонавий ёндошувлар таҳлил қилинган, шунингдек ушбу муаммонинг ҳал этилмаган ёки аниқлаштиришни талаб этадиган аспекти белгиланган.

Диссертациянинг «**Марказий асаб системасининг перинатал зарарланиши бўлган болаларда даволаш-диагностик ва реабилитацион тактикани комплекс баҳолаш усуллари ва клиник материаллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг асосий материаллари ва усуллари келтирилган. Тадқиқотда 2018 -2019 йиллар давомида гипоксик генезли МАТ ПШли 226 нафар янги туғилган чақалоқ болаларни клиник-лаборатор текширишга асосланган.

Илмий иш 226 нафар янги туғилган чақалоқ болаларни динамик про – ва ретроспектив текшириш натижаларини ўрганишга асослангандир. Кузатилган беморлар орасида ўғил болалар 144 (54,14%) нафарни, қиз болалар – 122 (45,86%) нафарни ташкил этди. Тадқиқотлар 5-7 кун, 3,6,9 ва 12 ой ёш даврларида ўтказилди.

Тадқиқотга киритиш ва чиқариш учун қуйидаги мезонлар танлаб олинди: **Киритиш мезонлари:** гипоксик генезли МАТ ПШ ташхисини мавжудлиги; болаларни илмий тадқиқотда иштирок этиши учун ота-оналарининг ёзма равишда берган розилиги. **Чиқариш мезонлари:** гестация муддати 28 ҳафтадан кам бўлган муддатидан олдин туғилган чақалоқлар; оғир генетик касаллиги бўлган болалар; ўткир юқумли –яллиғланиш касалликларини мавжудлиги.

Текширилган беморлар жинс ва ёш бўйича репрезентив бўлган икки гуруҳга ажратилди:

Асосий гуруҳни (АГ) гипоксик генезли МАТ ПШ ташхиси билан верификациялаган 161 нафар янги туғилган чақалоқлар ташкил этди.

Перинатал шикастланишнинг оғирлик даражасига боғлиқ холда: енгил даражаси гипоксик генезли МАТ ПШ ли чақалоқ беморларнинг 81 (50,3%) нафарида, ўртача оғирлик даражаси -65 (40,4%) нафарида, оғир даражаси—15 (9,3%) нафар чақалоқларда кузатилди;

Қиёсий гуруҳ (ҚГ) 105 нафар болани ўз ичига олди, бунда беморнинг стационар тиббий картасини архив маълумотлари асосида ретроспектив усулда боланинг чақалоқлик давридан бир ёшгача бўлган даври ўрганилди, бу ерда: енгил даража билан гипоксик генезли МАТ ПШли 54 (51,4%) нафар янги туғилган чақалоқ беморлар; ўртача оғирлик даража билан -42 (40,0%) нафар беморлар, оғир даража билан -9 (8,6%) нафар янги туғилган чақалоқлар бўлди;

Назорат сифатида 30 нафар амалий соғлом янги туғилган чақалоқларни текшириш натижасида олинган HIF-1 α ва RTC морфометрия текшириш маълумотларидан фойдаланилди.

Тадқиқотлар икки босқичга бўлинди: ретроспектив ва проспектив. Тадқиқотнинг ретроспектив босқич жараёнида болаларни реабилитация чора тадбирларисиз, фақат амбулатор-стационар шароитида (дори воситалари билан) даволашнинг таҳлили ўтказилди. Проспектив тадқиқот босқичида эса болаларда стационар даволашни БИМРМСФ даги реабилитация мажмуси билан бирга олиб борилиши ўрганилди.

Диссертациянинг «Гипоксик генезли марказий асаб тизими перинатал шикастланиши бўлган чақалоқларда нейрофизиологик ривожланишнинг ўзига хосликлари» деб номланган учинчи бобидачақалоқларда МАТ ПШ ривожланишини ҳавф омилларини аниқлаш муҳим клиник масала бўлиб ҳисобланади. Уни хал этилиши МАТ ПШли чақалоқларни даволашни мос тактикасни танлашни ўз вақтида белгилашга имкон беради.

МАТ ПШ ривожланиш ҳавф омилларини тадқиқ қилиш учун МАТ ПШ ташхиси қўйилган 226 нафар чақалоқларнинг ва «мойил» ҳамда «қўзғатувчи» омилларни аниқлашга сосланган 30 нафар соғлом болаларнинг касаллик тарихини ўрганиш бажарилди.

Шундай қилиб, чақалоқларда «мойил» ва «қўзғатувчи» омилларни учраш сонини ўрганиш асосида бизлар томонимиздан перинатал гипоксиянинг ривожланиш ҳавф омиллари ҳисоблаб чиқилди.

Барча омиллар учун «ф» белгиси 0,006 дан 0,499 гача бўлган кўрсаткичларни олди, корреляция коэффицентининг замонавий градация белгиларига мос холда, $\geq 0,25$ белгиси белгилар ўртасидаг ўртача корреляция тўғрисида гапиришга имкон беради. Маълумотларни ҳисобга олган холда «ф» белгисини шартли «кучсиз», шартли «ўртача» ва шартли «кучли» омилларга ажратиш бажарилди: 0,006 дан 0,139 гача – «кучсиз» омиллар, 0,140 дан 0,289 гача – «ўртача» омиллар, 0,290 дан 0,499 гача – «кучли» омиллар.

Чақалоқларда МАТ ПШни ривожланишида юзага келиши мумкин бўлган ҳавф омилларини ўрганишда ўтказилган таҳлил натижасида ўрнатилдики, МАТ ПШни ривожланишига таъсир кўрсатувчи, энг кўп намоён бўлган шартли кучли омил бўлиб куйидагилар ҳисобланди: камқонлик ($\phi=0,336$), онанинг 2 ва ундар ортиқ соматик касалликлари ($\phi=0,336$), онанинг ёшини > 31

ёшдан юқорилиги ($\varphi=0,391$), ҳомиладорлик вақтидаги токсикозлар ($\varphi=0,426$), ҳомиладорлик вақтидаги ўткир яллиғланиш касалликлари ($\varphi=0,499$).

Шундай қилиб, юқорида келтирилган ҳавф омиллари ($n=39$), ҳар бир аниқ ҳолатда уларнинг мавжудлигига боғлиқ ҳолда кейинчалик ўртача арифметик қийматни ҳисоблаш учун жамланади.

Диссертациянинг «Марказий асаб тизими перинатал шикастланиши бўлган болаларда мажмуавий даволаш-ташхислаш ва реабилитацион тактиканинг самарадорлиги» деб номланган тўртинчи бобидакуйидагилар баён этилган. Узлуксиз реабилитацион чора-тадбирлар мажмуаси БИМРМСФда олиб борилди, бу ерда ҳар бир бола учун «Боланинг ижтимоий мослашишини шахсий кундалиги» юритилди. Йўналтирилган ташхисга қарамасдан, реабилитацияни индивидуал мослашиш дастурини тазишда қуйидаги мутахассислар иштирок этди: педиатр, невролог, функционал ташхислаш ходими, физиотерапевт, ДЖТ мутахассиси, рухшунос, бошқа мутахассислар (ортопед, кардиолог, окулист, сурдолог). Боланинг кучли ва кучсиз томонларини SWOT-таҳлили ўтказилди. Айниқса бальнео, иссиқлик билан даволаш, рухшунос-педагогик коррекция қилиш ва бошқалар, рационал овқатланиш бўйича тавсияларга алоҳида эътибор қаратилди.

Бир қатор ҳолатларда гипоксик генезли МАТ ПШ ни умум қабул қилинган стандарт дори воситалари билан даволашда самаранинг мавжуд эмаслиги эрта ногиронлик сабаби бўлиб ҳисобланади. Олиб боргантадқиқотларимизнинг махсуслигини ҳисобга олган ҳолда БИМРМСФ да қўлланилган усулларни ўрганишни ўтказдик, сўнгра марказнинг реабилитацион чора тадбирлари мажмуасида бизларга Войт бўйича рефлексор локамациясини қўллаш таклиф этилди ва жорий қилинди. МАТ ПШли ва мотор бузилишлари бўлган болалардаги рефлексор локомоцияси элементар ҳаракат схемасини тиклайди, яъни улар яна бажариладиган бўлади. Войт бўйича рефлексор локомоцияси «рефлексоген» йўл билан фаоллашади. Рефлексор локомоцияси сўз бирлигидаги «Рефлекс» нейрон бошқарувининг турини билдирмайди, балки маълум зоналар бўйича уларга нисбатан доим мустақил равишда юзага келадиган ҳаракат реакциялари билан терапевтик мақсадда ташқи таъсирланиш билан қўлланилишга таълуқли бўлади.

Мазкур вазиятда марказдаги реабилитация дастури ҳаракат малака, кўникма ва жисмоний сифатларни шакллантиришни яхшилаш мақсадида давловчи жисмоний тарбиянинг фитбол (football, копток билан ўйнаш), Монтессори усули, бссейнда сузиш, куёш нурларида чиникиш каби янада мураккаб турларини кўзда тутуди.

Ёш, ижтимоий мослашиш динамикаси ва психомотор ривожланишни индивидуал ҳисобга олган ҳолда ҳаракатли ва сюжетли ўйинлар сифатида («Асалари», «Тулки ва куёнчалар», «Ўрдак-оққушлар») жисмоний тарбия чора тадбирлари, машқларни мусиқа остида бажариш; уқалаш, даволовчи гимнастика каби муолажалар киритилди.

Войт бўйича даволаш ўтказиш учун қарши кўрсатмалар бўлиб қуйидагилар хизмат қилди: боланинг ўта оғир умумий ҳолати; юқумли-яллиғланиш касаллигининг ўткир фазаси; оғир даражадаги камқонлик;

терининг кенг тарқалган касалликлари(экзема, пиодермия); ковокларни ривожланувчи осилиб қолиши; болани ирсий патология билан туғилиши ва МАТ ҳамда бошқа органларни ривожланишидаги аномалиялар. Баъзи ҳолатларда махсус ихтисосликка эга бўлган мутахассислар: эндокринолог, пульмонолог, кардиолог, оториноларинголог, дерматолог, аллерголог, диетологнинг маслаҳатлари талаб этилди.

Олинган натижалар асосида МАТ ПШ нинг оғирлик даражаси билан мос ҳолдаги перинатал гипоксияли болаларни эрта ташхислаш ва юритиш тактикасининг алгоритми ва касаллик даврига боғлиқ ҳолда тавсия этиладиган юритиш тактикаси ишлаб чиқилди.

Юритиш тактикаси ва тиббий воситаларни танлаб олиш текширилаётган болалардаги перинатал патологияни оғирлик даражасига боғлиқ бўлди.

Диссертациянинг «Текшириш динамикасида ўтказиладиган даволаш самарадорлиги»деб номланган бешинчи бобида неврологик нуқсонни шаклланиш даврида болаларни текшириш, болаларда неврологик ўзгаришларни кўп қирраличилигини аниқлади, бу енгил ва ўртача оғирликдаги даражага нисбатан солиштирилганда оғир даражани ишончли равишда юқори эканлигини аниқлади. (критик ҳолат $\chi^2 = 18,475$; $p < 0,01$).

МАТ ПШли беморлардаги барча синдромлар ичида ($n=161$)қуйидагилар энг кўп аниқланади: вегетатив-висцерал бузилишлар - 46,58% (енгил даража - 32,1%, ўртача оғирликдаги даража - 52,31% ва оғир даража - 100,0%), тутқаноқли – 40,37% (23,46%, 53,85% ва 73,3% мос ҳолда), туғма гипотонус – 37,89% (23,46%, 43,08% ва 93,3% мос ҳолда) вацеребрал кўзғалишли – 31,68% (16,05%, 40,0%.80,0% га мос ҳолда). Қолган синдромлар оғирликнинг барча даражаларида нисбатан кам учради.

МАТ ПШ нинг енгил даражаси бўлган болаларда учраш сони бўйича бринчи ўринда СВВР -32,1% ҳолатлардааниқланди, иккинчи ўринда, ҳар бир ҳолат 23,46% дан бўлган тутқаноқ ва гипотонус синдроми, учинчи ўринда 16,05% билан церебрал кўзғалувчанлик синдроми (ЦҚС), туғма гипотонус 14,81% ҳолатларда учради, мушак тонусининг бошқа бузилишлари -4,94% ҳолатларда ликвор-қон томир дистензияси (чанок ичи гипертензияси) -3,7% учради. Церебрал депрессия синдроми (ЦДС) қайд этилмади.

МАТ ПШнинг ўртача оғирлик даражасида тутқаноқ - 53,85%, вегетатив-висцерал бузилишлар - 52,31%, туғма гипотонус - 43,08%, церебрал кўзғалувчанлик - 40,0%, туғма гипертонус - 32,31%, ликвор-қон томир дистензияси (чанок ичи гипертензияси) - 21,54%, мушак тонусининг бошқа бузилишлари - 13,85%, церебрал депрессия - 12,31% кузатилди.

Мия гипоксиясининг оғир даражаси қуйидагиларни кўрсатди - вегетатив-висцерал бузилишлар - 100,0%, туғма гипотонус - 93,3%, ЦҚС - 80,0%, ликвор-қон томир дистензия синдроми(чанок ичи гипертензия) - 80,0%, тутқаноқсиндроми - 73,3% холада, шунингдек мушак тонусининг бошқа бузилишлари - 60,0%, СЦД - 46,67%, ва туғма гипертонус - 40,0% ҳолатларда кузатилди .

Энг яхши натижалар ҳаётининг 3 ойида вегетатив-висцерал расстройств 39,75% (25,93%, 44,61% ва 93,33%), туғма гипотонус 36,65% (22,22%, 41,54%

ва 93,33%) ва тутқанок 34,16% (19,75%, 46,15% ва 60,0%) ўзгаришларида олинди.

Ўтказилган даволаш ва реабилитацион чора тадбирлар жараёнида болалар ҳаётининг 3 ойига келиб СВВРнинг ўзгаришларида 32,1% дан 25,93% гача, туғма гипотонус 23,46% дан 22,22% гача, тутқанок синдроми 23,46% дан 19,75% гача, ЦҚС 16,05% дан 13,58% гача, туғма гипертонус 14,81% дан 9,88% гача, мушак тонусининг бошқа бузилишлари - 4,94%, ликвор-қон томир дистензии синдроми ЛҚДС (чанок ичи гипертензияси) - 3,7% мувоффақиятларга эришилди.

Перинатал гипоксиянинг ўртача оғирликдаги даражаси тутқанок синдромини 53,85% дан 46,15% гача, СВВРни 52,31% дан 44,61% гача, туғма гипотонусни 43,08% дан 41,54% гача пасайишини, шунингдек ЦҚА ўрсаткичларини 40,0% дан 30,77% гача, туғма гипертонусни 32,31% дан 26,15% гача, ЛҚДС (чанок ичи гипертензияси) 21,54% дан 20,0% гача, мушак тонусининг бошқа бузилишларини 13,85% ва СЦДни 12,31% дан 10,77% гача холатларини ишончли равишда пасайишини кўрсатди.

Оғир даража унча сезиларсиз аммо аҳамиятли динамикани кўрсатди, ЦҚС кўрсаткичлар 80,0% дан 73,33% гача пасайиши кўрсатди, унга мос холда СЦД 46,67% дан 40,0% гача каммйди, СВВР 100,0% дан 93,33% гача, тутқанок синдроми 73,3% дан 60,0% гача камайди, ЛҚДС ва (чанок ичи гипертензияси) - 80,0%, туғма гипертонус синдроми 40,0% дан 26,67% гача, туғма гипотонус 93,3% гача, шунингдек мушак тонусининг бошқа бузилишлари 60,0% га камайди.

6 ойлик ёшга етганда натижалар қуйидагича бўлди: тутқанок синдроми 21,12%, СВД - 19,88% натижани кўрсатди. Эмоционал-хулқий бузилишлар соҳасида барча гуруҳда натижалар - 14,29% ва психомотор ривожланиш босқичларини тутилиши - 9,94% натижани кўрсатди. Симптоматик гидроцефалия синдромида барча босқичларда кўрсаткичлар сони - 6,21% га камайди, парасомния 4,35% га пасайди. Рухий-нутқий ривожланишни бузилишини таҳлил қилиш ўртача оғирликдаги ва оғир даражали гуруҳларда кўрсаткичларни амалий жиҳатдан бир хилда тақсимланишини (3,73%) кўрсатди. Бунда мотор ривожланишнинг бузилиши - 3,11% холатда қайд этилган бўлса, тутқаноксиз пароксизмлар эса 6 ойлик ёшга келиб, - 2,48% ни ташкил этди.

Чанок ичи гипертензияси синдроми ва кейинчалик симптоматик гидроцефалия 9 ойликкача бўлган болаларда аниқланди. У 28,21% болаларда кузатилди. Шундай қилиб, гипоксик генезли МАТ ПШли болалардан олинган якуний натижаларни таҳлил қилиш кўрсатдики, болалар ҳаётининг 12 ойигача ижобий динамика кузатилди: 6 ойга келиб, чанок ичи гипертензияси билан бўлган болалар сони 18% гача камайди ($p < 0,05$), 6 ойдан 9 ойгача бўлганларда эса 4,9% пасайди ($p < 0,05$). 1 ёшга келиб чанок ичи гипертензияси АГли болаларда аниқланмади.


Чанок ичи гипертензиясини мушак гипотонияси билан бирга келиши 3 ойдан 9 ойгача бўлган болаларда АГда кузатилди. 3 ойда бундай болалар 17,4%, 6 ойда уларнинг сони 4,5% гача ($p < 0,01$) камайди, 12 ойга келиб, бундай

бирга келиш фақат 1 нафар болада аниқланди, бу эса бизлар олиб борган даволашнинг яхши самара берганлигини кўрсатади. Бир нафар болада бошқа синдромларни бирга келиши фақат якка холда учради.

Гидроцефал синдроми 3 ойга келиб 9,8%ни ташкил этди. 1 ёшга келиб гидроцефал синдромини бирга келиши - 0,9 % ($p < 0,01$) бўлди. Текширилган болаларда 3 ойликдан бошлаб СПНРВ аниқланади, 3 ойдан сўнг 9,8% болаларда кузатилади ва МАТ ПШнинг оғир даражаси билан туғилган 2,1% болаларда 12 ойликкача аниқлада давом этади. СПНРВга патогенези ва клиник намоеън бўлиш тавсифи бўйича яқин бўлиб гиперкинетик (гипердинамик) синдром ёки гиперфаоллик билан диққатни етишмаслик синдроми ҳисобланади. Бу ерда натижа қуйидагича бўлди: 3 ойлик ёшдаги гидроцефал-гипертензион синдромнинг оғир даражаси билан оғриган МАТ ПШли 12 нафар беморнинг 6 нафариди ижобий динамика аниқланмади бир йил ўтиб эса кўрсаткичлар 1 га яқинлашди.

Аффеktiv-респиратор пароксизм 3 ойлик 3 нафар болада ва 6 ойлик 1 нафар болада аниқланди, 1 ёшга келиб эса бундай синдром учрамади. Умуман кўзнинг ғилайлиги бир неча беморларда аниқланди (3 ва 6 ойлик болаларнинг бир нафариди кузатилди –барча болаларда бу МАТнинг бошқа шикастланиш синдромлари (пирамида етишмовчилиги, диффуз мушак гипотонияси) билан биргаликда аниқланди. Текширилган болалар орасида тутқаноқ синдроми билан икки нафар бола аниқланди. Уларда тутқаноқ 9 ойлик ёшида ўртача оғирлик даражасидаги гипоксия ўтказилгандан сўнг ва 1 ёшида фебрил ҳолат фонидидаги оғир даража натижасида юзага келди.

1 ва 2 расмда НПРда болаларни ортда қолиш динамикаси тақдим этилган.



■ Энгил даража ■ Ўртача даража ■ Оғир

1-расм. НПР болаларини ортда қолиш динамикаси



■ Энгил даража ■ Ўртача даража ■ Оғир

2-расм. Болалардаги нутқни ривожланишини ортда қолиш динамикаси

АГ болаларида руҳий ҳолат ва ҳаракат бузилишларини янада аниқ баҳолаш мақсадида, бизлар болаларда олиб борилаётган кузатишлар даврида йилда 4 марта динамикада DDST шкаласи бўйича баҳоладик. Яъни тест нафақат ривожланишдаги бузилишларни аниқлашга, балки ривожланишдаги ортда қолишларни намоеън бўлиши (кўпол ёки ўртача) даражасини белгилашга ҳам имкон беради, шунинг учун DDSTердамида ўтказилган реабилитацион

чора тадбирларни самарадорлигини баҳолаш ва НПП кўрсаткичларини ривожланиш динамикасини белгилаш осондир.

Ҳаракат кўникмаларини тадқиқ қилишни умумий ҳаракатларни баҳолашдан бошланади. Бизлар томонимиздан қўлланилган DDSTшкаласида кўпол мотор кўникмалари болалар ҳаётининг 1 кунидан то 1 ёшгача бўлган вақт оралиғида баҳоланади. Бизлар томонимизда текширилган болаларда умумий ҳаракатлар 3 ойликкача бўлган ёшдан бошлаб тадқиқ қилинди. Аниқландики, 3-ойликка келиб бошқа кўрсаткичлар билан солиштирилганда НПП энг суст даражада ривожланган бўлди. 3 ойликка келиб кўпол моториканинг меъёрида ривожланиши фақат 44,6% болаларда кузатилди.

Умумий ҳаракатларнинг паст даражаси 6 ойликка келиб кузатилди. 6 ойликдан сўнг ва 1 ёшгача кўпол моториканинг шаклланишини турғун яхшиланиши қайд этилди. Мазкур тест натижалари бўйича туғилганидан МАТ ПШ билан оғриган болаларнинг кўпол мотор кўникмалар 14,8% беморларда «меъерий» ва 72,8% беморларда «шубҳали» деб баҳоланди, 3 ойликка келиб, кўпол моториканинг бузилиши 19,8% гача тушиб кетди. Дастлабки натижа билан солиштирилганда (1 ойгача) кўпол моториканинг энг маҳсулдор юзага келиш даври 6 ойдан 9 ойгача ва 1 ёшгача бўлган вақт оралиғи бўлди, бу даврда кўпол моторикани ривожланиш даражасини ишончли ортиши қайд этилди. 1 ёшга келиб 91% болалар умумий ҳаракатланишнинг меъерий ривожланишига эга бўлдилар.

Шкала бўйича майда моторика 3 ойликдан бошлаб баҳоланди. 6 ойликдан бошлаб кўникма «кўлни ҳаракатланиши ва буюмлар билан ҳаракатланиш» деб номланса, 9-12 ойга келиб, «буюмлар билан ҳаракатланиш» деб номланади. Бир ёшгача ва бир ёшдан сўнг ривожланишнинг мазкур йўналишини «буюмлар билан ҳаракатланиш ва ўйинлар» кўникмаси бўйича назорат қилиш мумкин, бу динамикада кўникмаларни шаклланишини баҳолаш учун зарурдир. 3 ойда майда моторика, кўпол моторикага нисбатан яхши ривожланди, шунингдек гарчи меъерий ривожланиш кўрсаткичлари паст бўлди- фақат 60,95% болаларда кўллар ҳаракатланишини ривожланиш даражаси ёш талабларига мос бўлди. 6 ойда майда моторикани ривожланиш даражасини ишончли, жуда сезиларли ортиши қайд этилди, бу 9 ойгача сақланиб қолди. Кейинчалик, ҳаётининг 1 йилига келиб кўллар ҳаракатланишини ривожланишининг ҳаёт кўрсаткичи яхшиланди.

DDSTшкаласи бўйича рухий-нутқий соҳадаги текширишларда нутқ функциясини баҳолаш айниқса муҳим бўлиб ҳисобланади, у «нутқни тушуниш» ва «фаол сўзлашиш» кўрсаткичлари ёрдамида баҳоланади. Бизлар сўзни тушунишни 4 ойликдан 1 ёшгача бўлган даврда баҳоладик. Фаол сўзлашиш ҳаётнинг 6 ойлигидан баҳоланди. 6 ойликдан 11 ойликкача бўлган давр бу «фаол сўзлашиш ривожланишининг тайёргарлик босқичлари». 6 ойликдан бошлаб фаол сўзлашишни ривожланиши 82,0% болаларда ёш талабларига мос бўлди. Гарчи сўзлашишни тушуниш ва фаол сўзлашиш ўртасида яқин алоқа мавжуд бўлсада, шуни таъкидлаш лозимки текширилган болаларда фаол сўзлашишни шаклланиши фақат сўзлашишни тушунишни шаклланишига боғлиқ бўлмади. Нутқни тушунишни ривожланишини етарли


бўлмаслиги, сенсор ривожланишнинг куйидаги кўриб чиқиладиган кўникмаларини шаклланишида акс этди, яъни конструктив, тасвирий фаолият ва ижтимоий мослашиш.

НПРни баҳолашни тўлақонлилиги учун боланинг «ижтимоий хулқи» кўрсаткичларини текшириш зарур. Текширилган АГдаги 73,1% болалар «ижтимоий хулқда» ҳеч қандай қийинчиликларни хис этмадилар. Бизлар томонимиздан текширилган болалар орасида шундай беморлар бор эдики, уларнинг НПРси қўлланилган шкала талабларига тўлиқ мос келади. Бундай болалар сони ҳаётининг биринчи йилида унча юқори бўлмади.

Шундай қилиб, МАТ ПШ ўтказган НПР болаларида айниқса бузилишларнинг йиғинди миқдорини ҳисобга олсак (61 - 91,5% болаларда) сезиларли бузилишлар кузатилади. 45 (91,1%) нафар боладан 41 нафариди умумий ҳақатланишнинг ривожланиш даражаси шкала талабларига мос келди.

БИМРМСФдаги узлуксиз реабилитация мажмуаси ва стандарт даволаш ўтказилгандан сўнг динамикада, жумладан Войт бўйича рефлексор локомациядан кейин АГ беморларида 12 ойлик ёшга келиб DDSTни баҳолашда ижобий динамика бўлди, қўпол мотор кўникмалари бўйича натижалар 87,7% беморларда «меъёрий» бўлди. Нутқни ривожланиши ва нозик-мотор мослашиш фаолияти меъёрда 85,2% ва 87,7%ни кўрсатди. Аммо шунингдек 11,1% беморларда тестни ўтказишни имкони бўлмади ва натижалар «текширилмаганлигича» қолди. МАТ ПШнинг II даражаси билан оғриган беморларда 12 ойлик ёшга келиб натижалар бир қадар бошқача бўлди, қўпол моториканинг 7,7% беморлари «шубҳали»лигича қолди, нутқнинг ривожланиши 4,6% ҳолатларда ва нозик моторика - 9,2% ҳолатларда кузатилди. 12 ойлик ёшга келиб, МАТ ПШнинг оғир даражасини бошидан ўтказган беморлар узлуксиз реабилитацион тактикани қўллагандан сўнг ижобий натижаларни кўрсатдилар.

Бизлар оғирлик даражасига боғлиқ ҳолда АГли 161 нафар болада (3-расм) ва назорат гуруҳи сифатида 30 нафар соғлом болада ННФ-1α даражасини текширишни ўтказдик.



3-расм. МАТ ПШли болаларда ННФ-1α, нг/мл, кўрсаткичлари

НГли болалар қонидаги ННF-1 α 2,72 \pm 2,04 нг/мл ни ташкил этди, бунда энг кичик кўрсаткич 0,18 ва энг катта кўрсаткич 10,0 нг/мл ни кўрсатди.

МАТ ПШнинг энгил даражаси билан оғриган болаларда қонидаги ННF-1 α кўрсаткич туҳруқхонада назорат белгисидан ишончли равишда 6,72 марта юқори бўлди ва 18,28 \pm 0,66 нг/мл (t: 16,05, f = 109, t-критик = 1,984, p < 0,05) ни ташкил этди. МАТ ПШнинг энгил даражаси билан оғриган болаларда эса ННF-1 α кўрсаткичлари 11 дан 30 нг/мл гача ўзгариб турди.

Касалликни оғирлигини ўртача – оғирликдаги даражаси билан оғриган АГли болаларда мазкур кўрсаткичлар текширилганда назорат гуруҳи билан солиштирилганда охирги кўрсаткич 14,1 мартага ортиб, 38,37 \pm 0,61 нг/мл (t: 38,09, f = 93, t-критик = 1,987, p < 0,05) белгиларига тенг бўлди.

МАТ ПШнинг ўртача оғирликдаги даражасида бўлган болаларда ННF-1 α кўрсаткичлари 31 дан 48 нг/мл гача ўзгариб турди. Бунда кўрсаткичлар оғирликнинг энгил даражаси билан солиштирилганда ишончли равишда 2,1 мартага ошди (t: 22,35, f = 144, t-критик = 1,977, p < 0,05).

Касалликнинг оғир даражаси билан оғриган болаларда ННF-1 α нинг энг юқори даражаси, НГ маълумотлари билан таққослаш бўйича 22,42 мартага ортанлиги қайд этилди, 61,00 \pm 1,96 нг/мл (t: 27,96, f = 43, t-критик = 2,018, p < 0,05).

МАТ ПШнинг оғир даражаси билан оғриган болаларда ННF-1 α 51 дан 73 нг/мл гача ўзгариб турди, бунда ННF-1 α кўрсаткичлари энгил даража билан солиштирилганда, оғир даража билан оғриган бемор болаларда бу кўрсаткичлар 3,3 мартага юқори бўлди (t: 20,66, f = 94; t-критик = 1,987, p < 0,05), ўртача оғирликдаги даража билан солиштирилганда эса 1,6 мартага юқори бўлди (t: 11,02, f = 78, t-критик = 1,991, p < 0,05).

6 расмда терапевтик ва реабилитацион чора тадбирлардан сўнг 3 ойлик ёшдаги оғирлик даражаси бўйича МАТ ПШ билан оғриган болалардаги ННF-1 α даражасининг динамикаси акс эттирилган.

Шундай қилиб, олинган натижалар ННF-1 α ни миянинг гипоксик толерантлигини шаклланиш механизмларидаги муҳим роли тўғрисида гувоҳлик беради, шунингдек БМнинг гипоксик-ишемик шикастланишини ривожланишида муҳим рол ўйнайди, молекула эса ҳам нейропротектор, нейротоксик хусусиятни намоён этади.

Текширилган болаларнинг периферик қонидаги РТС морфометриясининг даражаси сезиларли гуруҳли фарққа эга бўлди. Соғлом болалардаги НГдаги РТСнинг ўртача миқдори 19,5 \pm 0,33%, РТСнинг ўртача диаметри -8,59 \pm 0,51, РТСнинг ўртача хажми -100,25 \pm 0,25 мкм³, РТС % - 1,95 \pm 0,33%, РТСнинг ўртача юзаси - 58,15 \pm 0,28 мкм², РТСнинг ўртача қалинлиги - 1,56 \pm 0,02 мкм², РТСнинг ўртача сферик индекси - 4,45 \pm 0,57, IR - 1,81 \pm 0,12 бирликни ташкил этди, бу меъёрий кўрсаткичларда жойлаштирилди.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида аниқландики, гипоксик генезли МАТ ПШнинг энгил даражаси билан оғриган болалар гуруҳида РТС - 22,0 \pm 0,26% ни ташкил этди, яъни соғлом туғилган чақолақларга нисбатан солиштирилганда 2,5% га ошди (t: 5,95, p = 0,000000, f = 109, t критик = 1,984). РТСнинг ўртача диаметри -8,76 \pm 0,22, РТСнинг ўртача хажми - 100,63 \pm 0,34

мкм³, RTC % - $2,2 \pm 0,03\%$ (t: 5,89, p=0,000000, f = 109, t критик = 1,984), RTC нинг ўртача юзаси- $58,3 \pm 0,14$ мкм², RTC нинг ўртача қалинлиги- $1,64 \pm 0,06$ мкм², RTC нинг ўртача сферик индекси - $5,03 \pm 0,26$, IR - $1,81 \pm 0,11$ бирликка тенг бўлди.

Оғирликни ўртача-оғирлик даражасидаги болаларда RTCмиқдорининг кўрсаткичлари $22,5 \pm 1,26\%$ ни ташкил этди, яъни 3,0% га кўп демакдир (t: 2,30, p=0,023517, f = 93, t критик = 1,987), RTC нинг ўртача диаметри - $8,83 \pm 0,17$, RTC нинг ўртача хажми - $100,71 \pm 0,47$ мкм³, RTC % - $2,25 \pm 0,13\%$ (t: 2,25, p=0,026926, f = 93, t критик= 1,987), RTC нинг ўртача юзаси - $61,29 \pm 0,45$ мкм² (t: 5,92, p=0,000000, f = 93, t критик = 1,987), RTC нинг ўртача қалинлиги- $1,72 \pm 0,06$ мкм² (t: 2,53, p=0,013113, f = 93, t критик = 1,987), RTC нинг ўртача сферик индекси - $5,41 \pm 0,3$, IR - $2,15 \pm 0,14$ бирликка тенг бўлди, бу эса эритропозни фаоллашишини акс эттиради.


Туғилган вақтида МАТ ПШнинг оғир шикастланиши аниқланган чақалоқлар RTC нинг янада юқори кўрсаткичлари кузатилди, RTC - $23,71 \pm 1,17\%$, ни ташкил этди, бу меъёрдан 4,21% га ошганлигини кўрсатади (t: 3,46, p=0,001241, f = 43, t критик = 2,018), RTC нинг ўртача диаметри - $8,98 \pm 0,09$, RTC нинг ўртача хажми - $100,75 \pm 0,25$ мкм³, RTC % - $2,37 \pm 0,12\%$ (t: 3,40, p=0,001507, f = 43, t критик = 2,018), RTCнинг ўртача юзаси - $63,12 \pm 1,12$ мкм² (t: 16,31, p=0,000000, f = 43, t критик = 2,018), RTCнинг ўртача қалинлиги - $1,85 \pm 0,19$ мкм², RTCнинг ўртача сферик индекси - $5,75 \pm 0,14$ (t: 2,21, p=0,032247, f = 43, t критик = 2,018), IR- $2,25 \pm 0,42$ бирликка тенг бўлди, бу эса гипорегенератив жараёнлар кетаётганлигини кўрсатади.

Ушбу тадқиқот маълумотларига кўра, МАТ ПШнинг энгил даражаси билан оғриган беморларда 3 ойга келиб, RTC миқдори $19,72 \pm 0,16\%$ (t: 7,47, p=0,000000, f = 160, t критик= 1,975) га ишончли равишда пасайди, RTC нинг ўртача диаметри - $8,51 \pm 0,37$, RTC нинг ўртача хажми - $100,22 \pm 0,13$ мкм³, RTC % - $1,91 \pm 0,13\%$ (t: 2,17, p=0,031211, f = 160, t критик = 1,975), RTC нинг ўртача юзаси- $58,11 \pm 1,14$ мкм², RTC нинг ўртача қалинлиги- $1,65 \pm 0,06$ мкм², RTC нинг ўртача сферик индекси - $4,61 \pm 0,12$, IR - $1,59 \pm 0,04$ бирликка тенг бўлди.


Болани туғилган вақтида аниқланган МАТ ПШнинг ўртача шикастланиш даражаси ҳам шунингдек –туғилган вақтида ҳам, бола ҳаётининг 3 ойига келиб ҳам янада юқори кўрсаткичларга эга бўлди, энгил даражадаги болалар гуруҳига нисбатан таққослаш бўйича ишончли фарққа эга бўлмаганда 65% ёш шакллари гача мос холда кескин «чапга силжиш» қайд этилди. RTC миқдори $20,26 \pm 0,17\%$ гача пасайди, RTCнинг ўртача диаметри - $8,67 \pm 0,21$, RTCнинг ўртача хажми - $100,34 \pm 0,17$ мкм³, RTC % - $2,02 \pm 0,09\%$, RTCнинг ўртача юзаси - $60,02 \pm 1,71$ мкм², RTCнинг ўртача қалинлиги - $1,67 \pm 0,04$ мкм², RTCнинг ўртача сферик индекси - $4,9 \pm 0,17$, IR - $1,74 \pm 0,06$ (t: 2,69, p=0,008065, f = 128, t критик = 1,98) га эга бўлди.

3 ойлик ёшдаги МАТ ПШнинг оғир даражаси билан оғриган чақалоқларда энгил ва ўрта даражада оғриган чақалоқларга нисбатан сезиларли фарқлар қайд этилди. RTC миқдори – $26,33 \pm 0,73\%$, RTCнинг ўртача диаметри - $8,82 \pm 0,03$, RTCнинг ўртача хажми - $100,57 \pm 0,18$ мкм³, RTC % - $2,23 \pm 0,12\%$, RTCнинг ўртача юзаси- $61,04 \pm 1,28$ мкм², RTCнинг ўртача қалинлиги-

1,72±0,03 мкм², RTCнинг ўртача сферик индекси - 5,19±0,14(t: 2,83, p=0,008711, f = 28, t критик = 2,048), IR - 1,96±0,07 ни таRTCшкил этди.



4-расм. МАТ ПШнинг энгил даражаси билан оғриган, бемор Мнинг қон суртмасида RTC микрофотографияси



5-расм. МАТ ПШнинг ўрта даражаси билан оғриган бемор Мнинг қон суртмасидаги RTC микрофотографияси

Суратларда, Суправитал бўялишда ёш эритроцитларда донадор-итчат субстанция аниқланад.Хужайралар тўқ-кўк тўғриланишлар ёки цитоплазмада майда ипчалар– RTC.

Даволашни ўтказиш вақтида статистик аҳмиятли силжишлар кузатилди ва кузатишларнинг бутун даври мобойнида давом этди. Худди шунга ўхшаш ҳолат RTCнинг ўртача радиуси томонидан ҳам кузатилди. Фаолият олиб борувчи юзанинг ўртача майдонини математик аҳамиятли ортиши боланинг туғилган вақтида аниқланди ва 3 ойгача сақланиб қолди.

Умуман олганда кузатишларнинг барча муддатларида RTCнинг морфометрик кўрсаткичлари доимий планоцитозни акс эттирди. Қизил қон тизимида планоцитоз позитив мослашиш белгисини акс эттиради, у эртороцитларнинг иш бажариш юзасини оширади, унинг оқтилилигини пасайишига олиб келади, шунингдек айланиб юрувчи қоннинг реологик хусусиятларида позитив силжиш бўлиб ҳисобланади.6 ойга келиб даражали беморларда кўрсаткичлар меъёрга яқинлашди.

Диссертациянинг «Қиёсий гуруҳлар ўртасида марказий асаб тизими перинатал шикастланиши бўлган беморлар кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили» деб номланган олтинчи бобид. ҚГли болалар ретроспектив ўрганилганлиги ва бизлар текширганимиз бўйича ўз муддатида қатъий текширилмаганлиги, АГнинг таклиф этилган алгоритми яъни 3,6, 9, 12 ой муддатлар учунфақат бир ёшга келиб олинган натижаларни ва даволаш натижаларини қиёсий таҳлилини тафтиш қилишни тўғри деб ҳисоблаймиз.


Болаларни объектив кўриқдан ўтказишда жисмоний ривожланишни баҳолашга алоҳида эътибор қаратилди. Одамнинг жисмоний ривожланиши организмнинг морфологик ва функционал мажмуаси ва улрнинг ўзаро алоқаси сифатида белгиланади ҳамда биологик ёшни белгиловчи мезон бўлиб ҳисобланади.

Ҳаётининг 12 ойлик ёшида АГ ва ҚГ болаларини жисмоний ривожланишини баҳолаш ўтказилди. Бизлар томонимиздан аниқландики, ҚГли болаларнинг деярли ярмидан кўпива АГли барча болалар баркамол ривожланиш кўрсаткичларига эга бўлди. Иккита гуруҳ болалари орасида барча антропометрик кўрсаткичлар бўйича ишончли фарқлар аниқланмади.

